

Росуллоҳнинг ҳаёлари ва ҳижома қилдиришлари ҳақида келган ҳадислар баёни.

﴿باب ما جاء في حياة رسول الله وحجامة﴾

صلى الله عليه وسلم

[الأوزبكي – Uzbek – Ўзбекча]

Абу Ийсо Муҳаммад ибн Ийсо Термизий

Таржимон: Абдуллоҳ Шариф

Нашрга тайёрловчи: Шамсиддин Дарғомий

2009 - 1430

islamhouse.com

﴿باب ما جاء في حياة رسول الله وحجامة﴾

صلى الله عليه وسلم

« باللغة الأوزبكية »

أبو عيسى محمد بن عيسى الترمذي

ترجمة: عبد الله شريف

تحرير: شمس الدين درغامي

2009 - 1430

islamhouse.com

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

الحمد لله رب العالمين ولا عدوان إلا على الظالمين والصلاة والسلام على سيدنا محمد سيد المرسلين
وإمام المتقين وعلى آله وصحبه أجمعين

Ассалому алайкум вараҳматуллоҳи вабаракотуҳ ҳурматли мўъмин биродарлар! Бу "шамоили муҳаммадия" китобидан бўлаётган дарсимизнинг ўттизинчи қисми бўлиб, ушбу суҳбатимизда, Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳаёлари ва ҳижома қилишлари ҳақидаги, бобнинг ҳадислари билан танишамиз иншааллоҳ.

(49) باب ما جاء في حياء رسول الله

[وفيه حديثان]

Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаёлари ҳақидаги боб.

Бу бобда иккита ҳадис ривоят қилинади.

358 - حدثنا محمود بن غيلان ثنا أبو داود ثنا شعبة عن قتادة قال سمعت عبد الله بن أبي عتبة يحدث عن أبي سعيد الخدري قال كان رسول الله أشد حياء من العذراء في خدرها وكان إذا كره شيئاً عرف في وجهه

Абу Саид ал-Худридан ривоят қилинади, айтадиларки: "Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам, парда орқасидаги бокира қиздан ҳам ҳаёлироқ эдилар. Агар у зотга бирор нарса ёқмаса, унинг ёқмаганлиги юзларидан биланарди".

Изоҳ: Араблар одатига кўра қадимда, агар қиз бола вояга етиб қолса, унга хонанинг бир четидан алоҳида жой қилиб, парда билан тўсиб қўйишар экан. Мулла Али қори айтадиларки: "Одатда парда орқасида ўтириб, уйдан ташқарига камдан кам чиқадиган, балки уйнинг ичида ҳам, кам аралашадиган бундай бокиралар, кўпчилик орасида гапирмай, розилик ва норозилик аломатлари, юзларидан билинар экан. Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам анашундай бокиралардан ҳам ҳаёлироқ эдилар". Бу исломдан аввал жоҳилият даврида ҳам, ислом келгандан кейин ҳам, араб халқлари ичида жорий бўлиб келган инсоний ахлоқлардан эди. Ҳурматли! мўъмина опалар ва сингиллар! мен сизларнинг эътиборларингизни, манабундай, аёл ҳуснига ҳусн қўшадиган, гўзал хулқлар билан пардозланган иболи, бокираларнинг одобига эмас. Балки бутун башариятнинг афзали Муҳаммад алайҳиссалом ахлоқларига жалб қилмоқчиман. Азиз мўъмин Биродарлар ва мўъмина опа-сингиллар у зотнинг муборак таълимотларидан ўзларингизни маҳрум

қилманглар, ва суннат-санияларини тадбиқ қилинглр. Хурматли опа ва сингиллар аёллик табиатидан воз кечиб, ҳатто эркаклар қўл уришга хижолат қиладиган ишларга ружуъ қиладиган беҳаё аёллар сафидан асло ўрин олманглар! Оллоҳ ўзи асрасин! Ҳикматли сўзларда айтишар эканлар: Агар аёл киши, ўзидан ҳаё пардасини олиб ташласа, у худди ҳамма учун очиқ ҳожатхонага ўхшаб қолар экан. Натижада ҳар қандай киши унда ҳожатини бажарар ва ҳар қандай пашиша унга қўнаверар экан.

359 - حدثنا محمود بن غيلان ثنا وكيع أنا سفيان عن منصور عن موسى بن عبد الله بن يزيد الخطمي عن مولى لعائشة قال قالت عائشة ما نظرت الى فرج رسول الله او قالت ما رأيت فرج رسول الله قط

Оиша розияллоҳу анҳонинг мавлоларидан ривоят қилинади, айтадиларки: "Оиша розияллоҳу анҳо айтган эдилар: Мен Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг авратларига қараган эмасман, -ёки ровий шак қилиб- авратларини асло кўрган эмасман".

Изоҳ: Лекин бу ҳадиснинг иснодида узулишлик бор -дейди муҳаддис уламолар, чунки Оиша онамиздан ривоят қилган кишининг, ким эканлиги, баён қилинмаган. Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаёлари ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта бу икки ҳадис бу ҳақда етарли маълумот бермайди. Оллоҳ таоло барчаларимизни ҳаёли бандаларидан қилсин!омин.

(50) باب ما جاء في حجة رسول الله

وفيه (6) أحاديث

Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳижома қилдиришлари ҳақидаги боб.

Бу бобда олти ҳадис ривоят қилинади.

360- حدثنا علي بن حجر ثنا إسماعيل بن جعفر عن حميد قال سئل أنس بن مالك عن كسب الحجام فقال أنس احتجم رسول الله حجه أبو طيبة فأمر له بصاعين من طعام وكلم أهله فوضعوا عنه من خراجه وقال إن افضل ما تداويتم به الحجة أو إن من امثل ما تداويتم به الحجة

Анас розияллоҳу анҳудан ҳижома қилувчи кишининг касби ҳалоллиги ҳақида сўрашдилар. Шунда у киши айтдиларки: "Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳижома қилдирган эдилар. У зотни Абу Тойба ҳижома қилиб қўйган эдилар. Кейин Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам унга икки соъ таом – ҳурмо- жўнатиб, уни хўжайинларига унинг харожидан камайтиришларини таклиф қилган эдилар. Ва сизларнинг энг афзал ёки энг яхши даволаш услубларингиз ҳижомадир –деган эдилар".

361 - حدثنا عمرو بن علي ثنا أبو داود ثنا ورقاء بن عمرو عن عبد الأعلى عن أبي جميلة عن علي أن النبي احتجم وأمرني فأعطيت الحجامة أجره

Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, айтадиларки: "Пайғамбар алайҳиссалом ҳижома қилдириб, мени ҳажжомга хизмат ҳаққи бериб қўйишимга буюрган эдилар".

362 - حدثنا هارون بن إسحاق الهمداني ثنا عبدة عن سفیان الثوري عن جابر عن الشعبي عن ابن عباس أنه قال إن النبي احتجم على الأخدعين وبين الكتفين وأعطى الحجامة أجره ولو كان حراما لم يعطه

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, айтадиларки: "Пайғамбар алайҳиссалом бўйиннинг орқа тарафидаги икки кўринмайдиган томирнинг ўрнидан –*яъни айнан томирдан эмас*- ва икки курак ўртасидан ҳижома қилдириб, ҳажжомга хизмат ҳаққи берган эдилар. Агарда бу ишга ҳақ олиш ҳаром бўлганда эди, унга ҳақ бермаган бўлар эдилар".

363 - حدثنا هارون بن إسحاق ثنا عبدة عن ابن أبي ليلى عن نافع عن ابن عمر أن النبي دعا حجاما فحجمه وسأله كم خراجك فقال ثلاثة أصع فوضع عنه صاعا وأعطاه أجره

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, айтадиларки: "Пайғамбар алайҳиссалом ҳажжомни чақиртириб, ҳижома қилдирдилар. Кейин ундан харожинг –*хўжайинига тўлайдиган ҳақ*- қанча?- деб сўрадилар. У уч соъ -деди. – *Соъ буғдой, арпа ва шу каби нарсаларни ўлчаш учун ишлатиладиган идиш бўлиб, у тўрт мудга ёки уч мудга тенг бўлади, муд эса чамаси бир литр бўлади*- Ундан бир соъни бекор қилдириб, хизмат ҳаққини ҳам бердилар".

364 - حدثنا عبد القدوس بن محمد العطار البصري ثنا عمرو بن عاصم ثنا همام وجريير بن حازم قالا ثنا قتادة عن أنس بن مالك رضي الله عنه قال كان رسول الله يحتجم في الأخدعين والكاهل وكان يحتجم لسبع عشر وتسعة عشرة وإحدى وعشرين

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, айтадиларки: "Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам одатда, бўйин орқасидаги икки томир ўрнидан –*аввал айтганимиздек, айнан томирдан эмас*- ва елкадан ҳижома қилиб қон олдиран эдилар. Ва ойнанинг ўн еттинчи, ўн тўққизинчи ва йигирма биринчи кунларида ҳижома қилдиран эдилар".

365 - حدثنا إسحاق بن منصور أنا عبد الرزاق عن معمر عن قتادة عن أنس بن مالك أن رسول الله احتجم وهو محرم بملل على ظهر القدم

Бу ҳадис ҳам, Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, айтадиларки: "Росуллоллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам Малал деган ерда -*Маккага яқинроқ жойнинг исми* - эҳромлик ҳолларида оёқларининг қадам устидан ҳижома қилдирган эдилар".

(51) باب ما جاء في أسماء رسول الله [وفيه (3) أحاديث]

**Росуллоллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг исмлари ҳақидаги боб.
Бу бобда учта ҳадис ривоят қилинади.**

366 - حدثنا سعيد بن عبد الرحمن المخزومي وغير واحد قالوا ثنا سفیان عن الزهري عن محمد بن جبیر بن مطعم عن أبيه قال قال رسول الله إن لي أسماء أنا محمد وأنا أحمد وأنا الماحي الذي يمحو الله بي الكفر وأنا الحاشر الذي يحشر الناس على قدمي وأنا العاقب الذي ليس بعده نبي

Жубайр ибн Мутъимдан ривоят қилинади, айтадиларки: "Росуллоллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам айтдиларки: "Менинг бир қанча исмларим бор. Мен Муҳаммаддирман ва Аҳмадман, Оллоҳ мен ила куфрни маҳв қиладиган Моҳийман, Одамлар қадамим остида тўпланадиган Ҳоширман, Мендан сўнг пайғамбар келмайдиган Оқибман".

367 - حدثنا محمد بن طريف الكوفي ثنا أبو بكر بن عياش عن عاصم عن أبي وائل عن حذيفة قال لقيت النبي في بعض طرق المدينة فقال أنا محمد وأنا أحمد وأنا نبي الرحمة ونبي التوبة وأنا المقفي وأنا الحاشر ونبي الملاحم

Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, айтадиларки: "Мен Пайғамбар алайҳиссалом билан мадинанинг бир кўчасида учрашиб қолдим. У зот айтдиларки: "Мен Муҳаммаддирман, Аҳмаддирман ва раҳмат пайғамбариман, тавба пайғамбариман, ал-Муқафийман, Ҳоширман ва Малоҳим пайғамбариман".

368 - حدثنا إسحاق بن منصور ثنا النضر بن شميل أنا حماد بن سلمة عن عاصم عن زر بن حبيش عن حذيفة عن النبي نحوه بمعناه هكذا قال حماد بن سلمة عن عاصم عن زر عن حذيفة رضي الله عنه

Хузайфа розияллоху анхудан ҳам шу маънода ҳадис ривоят қилинган. Термизий айтадиларки: "Ҳаммод ибн Салама Осимдан, Осим Зирдан, у эса Хузайфадан ривоят қилганлар".

وصلی اللہ علی نبینا محمد وعلی آلہ وصحبہ أجمعین وسلم